

## Намоз ўқимайсизлар деса

13:53 / 14.06.2021 7595

### **Савол:**

Ассалому алайкум! Мен 16 ёшдаман. Талабаман, ётоқхонада яшайман. Алҳамдулиллаҳ намоз ўқийман. Бизга «Жума намозига чиқмайсизлар, намоз ўқимайсизлар» деб намоздан қайтаришади. Биз қандай йўл тутишимиз керак?

### **Жавоб:**

– Ва алайкум ассалом! Индамасдан ўқийверинглар. Чунки улар билан ҳам яхшироқ, инсоний йўл билан гаплашсангиз ўзини мусулмон, ота-онаси ҳажга борган, катта бобо-момолари қори ўтган бўлади. **Валлоҳу аълам!**

**«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати**